

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

Ўрта Осиёда араблар боскинига кадар хам кадимги ёзувлар бўлган. Улар асосан археологик изланишлар давомида турли йилларда топилган махаллий ахолининг хоразмий, бохтарий, сугдий, кадимги туркий ва “номаълум ёзув” деб аталмиш ноёб ёзма ёдгорликларидир. Улар Парфия давлатининг поитахти Эски Нисадан топилган подшо архиви, Тупрок каладан топилган кадимги Хоразм подшоларининг архиви, Муг кала касридан топилган сугд хужжатлари, Бактрия худудларидан топилган диний, ахлокий-фалсафий мазмундаги ибодатхона жужжатлари. Улардан ташкари кадимги самаркандликларга тегишли Дўнхуандан топилган оиласий хатлар, Афрасиёбдан топилган савдо карз тилхати ва элчилик номалари, тангларга ёзилган ёзувлар, “номаълум ёзув” сифатида бизгача етиб келган кадимги туркий ёзувлардир. Улар тошга, сополга, чармга, ёгочга, металга, когозга ва бошка буюмларга битилган текстлар, шахсий мактублар, хўжалик, хукукий ва дипломатик хужжатлар, диний, ахлокий-фалсафий текстларнинг парчалари хамда кўплаб нумизматика материаллари, яъни танга ёзувлари бўлиб, улар киска ва жуда кам бўлишидан катъий назар, Ўрта Осиё халклари, жумладан ўзбек халки тарихи ва маданиятини ўрганиш учун кимматли маълумотлар беради.

Хўш бу ёзув намуналари Ўрта Осиёда качон пайдо бўлган, умуман инсоният качон ёзувни кашф этиб, цивилизациялар тарихини бошлаб берди? Тарихдан маълумки, ёзув кишилик жамияти хаётида 5 минг йиллик тарихга эга. Ёзув дастлаб суратли ёзув сифатида Мисрда пайдо бўлди, яъни граматик ва семантик аниклагич белгилари (детерминативлар)дан иборат иероглифлар яратилди. Сўнг кадимги Шумерда сўз ва бўгин ифода этувчи миххат ёзув тизими шаклланди. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Ўрта ер денгизининг шаркий соҳилларида таркиб топган давлатларда савдо ривожланади. Савдо-сотик ишларида ёзувга бўлган талаб ошади. Айникса, Ўрта ер денгизи Шаркида, Шом (Сурия) ўлкаларида милодий эрадан аввалги XIII-XII асрларгача кўлланиб келинган бўгинлаб ёзишга мўлжалланган миххат ёзувлар тажрибасидан фойдаланиб, финикиялilar жаҳон ахамиятига молик ёзувни ихтиро киладилар. Бу ёзув тарихда биринчи бўлиб, инсон нутки айрим товуш бирликларидан иборат эканлигини, шу товушлар бирикмасидан сўзлар хосил бўлишини тушуниб етадилар. Улар хар бир нутк товушини алохида, лекин доим бир шаклда чизиладиган харф-белги оркали ифodalанишини хаётга олиб киришади. Шундай килиб, финикиялilar алифбони ишлаб чикишди. Аммо улар алифбосида унли белгилар учун маҳсус харфлар йўқ эди. Бу анъана кадимги Шарқ мамлакатларида кенг таркалган, арабларда эса бу хозиргача бор.

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

Ана шу ёзувдан тахминан милоддан аввалги 1000 йиллар атрофида оромий ёзуви ажраб чикиб, ўзининг илк боскичидаги (милоддан аввалги X-VII асрлар) финикия ёзуви чизма шакллари оромий тили доирасида катта синовдан ўтади. Бу ёзув намуналари тошларга битилган ахамоний подшоларининг (мил. авв.VI-IV асрлар) китобалари бўлиб, бу битиклар оромий ёзувига катта нуфуз беради. Бу нуфуз ахамонийлар давлати доирасида махкама тили ва ёзуви сифатида кўзга ташланади, яъни оромий ёзувининг халкаро нуфузи Бехустун коятош битикларининг машхур “70 банди”да ўз аксини топган. Ушбу тош китобада Доро I, унга тобе мамлакатларга оромий ёзувида буйргуни таркатган. Бу буйрук оромий ёзуви хакида бўлиб, унда “битикни бошка килиб орийча туздим, бунакаси илгари бўлмаган эди. Кейин эса бу ёзувни (барча) юртларга таркатдим. Уни халклар кабул килди”, дейди. Оромий ёзувида хам унли товушлар йўқ. Ундош товушларни ёза оладиган ибодатхона ходимлари сўзлардаги унлиларни хаёлан тиклаб ўкийдилар. Бундай ўкиш ёзув тарихида квазиалфавит дейилиб, оромий квазиалфавитидан парфия, хоразмий, бохтари, сугдий ёзувлари пайдо бўлади. Демак, уларда хам унли товушлар йўқ. Оромий ёзуви ва унга асосланган бошка ёзувлар алфавити 22 та харф-белги асосида курилган.

Факат Панжикент сарой харобасидан топилган сопол тахтачада, яъни алифбода 23 та харф-белги кўрсатилган.

Кадимги юононлар Финикия ёзувига асосланиб, улардан фарқ киладиган ўз алифбосини ишлаб чикишган. Юонон алифбоси 25 харфдан иборат. Юонон алифбосини Финикия алифбосидан мухим фарки шундаки, юонон ёзувида унли харфлар хам бор. Юонон ёзуви асосида римликларнинг лотин алифбоси ишлаб чикилди ва у кейинчалик дунё халклари лотин алифбоси асосида ўз ёзувларини ишлаб чикадилар. Оромий ёзуви эса Шаркнинг узок ўлкаларигача кириб бориб, эроний, туркий ва мўгулий тилли халкларнинг ёзувига асос бўлган. Сугд ёзуви асосида кадимги турк ёзуви пайдо бўлган. Ундан уйгур, мўгул ва манжур ёзувлари ўсиб чиккан. Уйгур ёзуви доирасида квазиалфавит хусусияти йўқатилиб, сўз тузилишида унлиларни ифодалаш бошланди. Бу тажрибадан мўгул ва манжур ёзувлари фойдаланиб, ўз ёзувларига унли товушларни киритишган.

Ўрта Осиёнинг кадимги халклари оромий алифбоси асосида ўз ёзувларини кашф этгач, махаллий ахолининг маъновий-ахлокий карашлари, хўжалик ва хукукий хужжатлари, оиласий ёзишмалар, савдо-сотик ва танга пулларидағи ёзувлар шу ёзувларда олиб борилган. Афсуски, уларнинг аксарияти турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган. Буюк Абу Райхон Беруний ўзининг “Ўтмиш халклардан колган ёдгорликлар“ асарида таъкидлаганидек, у ёзувларда битилган асарлар динийми ёки дунёвий араблар истилоси даврида йўқ килинган. Уларнинг борлиги хакидаги маълумотлар эса

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

археологик козишмалар вактида ахён ва ахёнда учраб турадиган топилмаларга асосланган. Улар куйидаги ёзувлардир:

Кадимгм Хоразм ёзуви. Шимолий Хоразмда “Катта Ойбуйир калья” ёдгорлигидан хум корнига ёзилган оромий ёзуви нусхаси топилган. Бу Ўрта Осиёдаги оромий ёзувининг энг кадимги намунаси бўлиб, ушбу хум милоддан аввалги V асрга оид. Унга нима ёзилганлиги номаълум, чунки у ўқилмаган. Махаллий ахоли оромий алфавитидан фойдаланиб, кадимги Хоразм тилига мос slab кашф этган хоразмий ёзувининг намунаси милоддан аввалги IV асрнинг охири – III аср бошларига оид ёдгорлик Кўй кирилган кальяан топилган, у атиги битта сўздан, яъни сопол парчасига ёзилган “ASPABAREK” сўзидан иборат бўлиб, у отлик аскар, сипохий деган маънони беради. Хронологик жихатдан навбатдаги хоразмий ёзуви милодий I-VIII асрлар оралигига зарб этилган кадимги Хоразм тангаларида учрайди. Тангаларда Вазамар, Артамах, Санобар деган кадимги Хоразм подшоларининг номлари ёзилган. Учунчи гурух ёзувлар Тупрок кальядаги кадимги Хоразм подшоларининг архивидан топилган. Улар терига, ёгочга ва гишт таҳтакачларга ёзилган 114 парча хўжалик хужжатлари, яъни теварак-атроф кишлоклардан келтирилган кишлок хўжалик махсулотларининг микдорий руйхати, кирим-чиким бухгалтерия хисоби ва бошкалар бўлиб, улар милодий III-IV асрларга тегишли эди. Кадимги Хоразм ёзувининг тўртинчи гурухи VI-VIII асрларга оид бўлиб, булар кумуш кадаҳчалардан иборат. Уларнинг сиртига уста ва эгасининг номи битилган. Бешинчи гурух ёзувлар Тўккаладан топилган оссуарийлар сиртига ёзилган. Тўккала ёзувлари бутун бир кутбхона. Нихоят олтинчи гурух ёзувлар Миздахкан ёдгорликлар мажмуасидаги Говур кальядан топилган.

Парфия ёзуви. Парфия давлатининг пойтахт шахри Михрдаткирт каладан (Эски Нисо) сополакка ёзилган 2700 дан кўпроқ сопол парчалари топилган. Ушбу ёзув парчалари асосан хўжалик хужжатлари бўлиб, уларда кўпроқ вино хакида, вино келтирилган кишлок номлари, вино микдори ва бошкалар ёзилган. Парфия ёзуви оромий ёзуви асосида подшо Митридат I даврида (милоддан аввалги II аср ўрталарида) ишлаб чикилган, у 22 та харфлардан иборат. Бу ёзув милоддан аввалги II-III асрларда мамлакат бўйлаб кенг таркалган бўлиб, шу даврда Михрдаткирт шахрида давлат архиви ташкил топган. Парфияда ўз тилида ёзилган ёзувдан ташкари, юонон тили ва ёзуви хам муомилада бўлган. Парфияда мутахасислар таъкидлашича, 2800га якин оромий тилида ёзилган ёзув парчалари топилган.

Бохтарий ёзуви. Милоддан аввалги IV аср охиригача кадимги Бактрия худудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин Бактрияда махкама тили ва ёзуви юононча бўлган. Тахминан, милоддан аввалги III-II асрлар чегарасида оромий ёзуви асосида бохтарий ёзуви ишлаб чикилади, деган илмий фаразлар мавжуд. Чунки Ойхонимда милоддан аввалги II аср биринчи ярмига тегишли бохтар ёзуви топилган. Кадимги Бактрияда ўша

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

асрларда бир вактни ўзида бохтар ва юон тили ва ёзуви, браhma ва кхорашта ёзувлари хам муомилада бўлганлиги хакида ёзма ва нумизматика материаллари топилган.

Нумизматика материаллари орасида Юон-Бактрия подшолари расми хамда юон ёзуви битилган кўплаб тангалар топилган. Дастрлабки кушон подшолари Евкратид ва Гелиокл тангаларига таклид килиб танга зарб кила бошлайдилар. Бу тангаларнинг олд томонида номаълум шохнинг боши, орка томонида юонлар худоси Зевснинг хайкали тасвиirlанган. Мухими шундаки, бу тангаларнинг асосий кисми Сурхондарё ёдгорликларида топилган. Материаллар тахлилига кўра, бу тангалар Далварзинтепада зарб килинган. Тахмин килинишича, бу тангалар Гуйшуан хокимлари томонидан зарб эттирилган. Дастрлаб бу тангаларнинг орка томонида юон худоси Зевс тасвиirlанса, текширишлар шуни кўрсатдики, вакт ўтиши билан танганинг орка томонига энди Зевс ўрнига отнинг сурати зарб килинабошлади. Тангага жойлаштирилган от сурати янги давлат пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай тангалар хозиргача асосан Сурхондарё ёдгорликларидан топилмокда. Демак, дастрлабки кушон давлати шимолий Бактрияда ташкил топган, унинг пойтахти эса айнан Далварзинтепа бўлган. Тангаларда отнинг тасвирини пайдо бўлиши билан унинг олд томонидаги номаълум шох сурати ўрнида аник шох тасвири пайдо бўлади. Унинг юз киёфаси Холчёнда топилган хайкалларга ўхшаб кетади. Танганинг орка томонида энди отнинг ўзи эмас, отлик, от минган киши тасвири туширилган. Бу ерда юон харфлари билан битилган тўртта сўз хам бор. Биринчи сўз-хукмдор, иккинчи сўз-Герай, учинчи сўз-халигача ўкилмаган, тўртинчи сўз-кушон деб ўкилади. Шундай килиб, гуйшуан-кушон уругидан бўлган биринчи хукмдорнинг номи маълум бўлди. Афсуски, хозиргача Герайнинг хукмдорлик вакти аникланмаган. Тахмин килинишича, у мил. авв. I асрнинг II-ярмида хукмронлик килган. Хитой манбаларида Кудзulo Кадфиснинг подшолиги юечжи кабилалари Бактрияга келиб, юз йилларча вакт ўтгач, Гуйшуан 5та юечжи кабилаларини бирлаштириб, Гуйшуан подшолигини ташкил этганлиги хакида хабар берилади. Демак, Герай Кудзулагача Гуйшуанга хокимлик килган. Кудзула Кадфис эса унинг ўғли ёки набираси бўлиб чикади.

Шундай килиб, кушонлар давлат тепасига келгач, бохтар тили ва ёзувига катта йўл очилади. Канишка даврида бохтари тилига давлат макоми берилди, бохтар тили ва ёзуви барча соҳаларга кириб боради ва юон тили ва ёзувини сикиб чикаради. Будда дини ибодатхоналари пештахталарида бохтар тили ва ёзувида Канишка ва унинг ворисларининг фармонлари ўз аксини топади. Масалан, сулолавий ибодатхоналар хисобланган Сурх-катал ва Рабатак ибодатхона пештахталаридаги ёзувлар бунга мисол бўла олади. Хатто, Канишка Рабатак ибодатхонаси деворларида аждодлари ва ўзини суратини ишлатган ва уларнинг номлари келтирилган. Аждодлар руйхатида (Кудзуло Кадфис, Вима Такто, Вима Кадфис) унинг бобоси сифатида Вима Такто исми келтирилади. Рабатак сулолавий ибодатхонада Канишканинг бобоси Вима Такто номини биринчи бор келтирилиши тарих фани учун сенсация эди. Унгача кушон тангаларининг орасида исмиз шох Сотер Мегас номи билан тангалар мавжудлигини биламиз. Аммо, у тангалар Вима Тактога тегишлами ёки Вима Кадфисгами? Бу муаммо эди. Бизнингча,

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

номсиз шох тангалари Вима Тактога тегишли бўлса керак. Чунки, Вима Кадфис номида зарб этилган тангалар бор. Шундай хам бўлсин, у холда нима учун Вима Такто ўз исми билан танга зарб эттирмай, исмсиз шох номи билан пул чикартирган. Бу масала хам хозирча муаммо бўлиб колади. Рабатак ёзувининг яна бир мухим жихати борки, у хам бўлса, Кушон подшоси Канишка ўзи ва сулолавий аждодларининг келиб чикишини орийлардан эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу маълумот ўзбек халки этногенези учун жуда мухим фактдир.

Милоддан аввалги III-II асрларда оромий ёзуви асосида шаклланган сугд ёзуви ўлкамиз маданияти тарихида мухим рўл ўйнади. Бу ёзув ижтимоий ва маданий хаётнинг барча соҳаларида кенг кўлланган. Сугд тили ва ёзуви Сугдиёна худудларидан ташкари Фаргона водийсида, Тошкент воҳасида ва Еттисувда кенг ёйилган. Сугд ёзуви оркали бизгача эрамиз бошларидан то XI аср биринчи чорагига кадар ёзилган кўплаб ноёб ёзма ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида кўплаб нумизматика материаллари (танга ёзувлари), металл, сопол, ёгоч, чарм, когоз ва бошка буюмларга битилган текстлар, шахсий мактублар, хўжалик ва молия хисобати хамда хукукий ва дипломатик хужжатлар, никоҳ гувоҳномалари, айғокчилик мактублари, диний, ахлоқий-фалсафий текстларнинг парчалари бор.

Сугд ёзуви 22 та харф-белгидан иборат. У бир неча боскични ўз бошидан кечирган. Унинг илк боскичи юнон-бактрия тангаларига та клид килиб чикарилган сугд тангаларида учрайди. Шунингдек, сугд ёзувининг намуналари Афрасиёбдан топилган милодий эранинг I-III асрларга тегишли сопол парчаларида ва терракота хайкалчаларда учрайди. Милодий II асрда Сугдда кумуш тангалар зарб этилабошлайди ва у жаҳон бозорига чикади. Бу тангалар то милодий V-VI асрларда Кеш пойтахти бўлган сугд конфедератив давлати ташкил топгунга кадар давом этади. Сўнг VII аср ўрталаридан Сугд конфедерациясининг пойтахти Самаркандга кўчгандан кейин сугд ёзувининг ташки шакли янада такомиллашиб, унинг ички тил товуш мазмуни аник ифодалаш томон ўсади ва муайян орфографик нормалар вужудга келади.

Сугдда кумуш тангалар зарб этилиб, жаҳон бозорига чикгач, сугд савдогарларининг иши юришиб, сугд савдо карвонлари Шарқда узок ўлкаларга кириб боради. Жанубий-шаркий Ўролорти ўлкаларида, Енисей хавзалари районларида, Жанубий Сибир ва Ангара дарёси хавзаларида, шимолий Хитой ва Монголияда сугд савдо факториялари (савдо карвон саройлари) ва кишлоклари пайдо бўлади. Сугд савдогарлари узок ўлкаларга хам кириб борганлар. Улар каерга кириб борса, ўша жойга сугд ёзуви хам кириб борган. Фикримизнинг далили сифатида 1889 йилда Мўгулистанда топилган сугд ёзувини кўрсатиш мумкин. Мўгулистандаги сугд ёзуви ёдгорлиги – XI асрда хукмронлик килган уйгур хокони шарафига кабр устидаги плитага ёзилган ёзув эди.

Муаллиф:
20.01.2014 10:29 -

Кадимда йирик халкаро савдо пунктларидан бири шимолий – гарбий Хитой шахри Дунхуанда бўлиб, айнан мана шу шахарда З минг самаркандлик савдо ахли жойлашган самарканд квартали ташкил топган. Дунхуан савдо факторияси савдогарлари она ватани-она шахри Самарканд билан узвий алокада бўлиб, Самаркандга карвонлар оркали хатлар юбариб туришган. Ана шундай хатлардан 9 таси эгасига етиб бормай, Дунхуан почта-башнясида колиб кетган. У хатлар милодий 313-317 йилларда ёзилган бўлиб, уларни ўтган асрнинг бошларида инглиз археологлари топиб ўрганганлар. Сугд тилида ёзилган бу хатлар тарихда “Кадимги сугд мактублари” номи билан машхурдир.

Ана шундай ёдгорликларнинг катта гурухи 1933 йилда Хайрабод кишлоги якинида Муг калъа касри харобаларидан топилган сугд хужжатларири. Муг кала сугд архиви деб юритилган бу ёзма хужжатлар мажмуаси VIII асрнинг дастлабки ўн йиллигига оид (712-722) 89 та хужжат бўлиб, улардан 74 таси сугд тилида (шундан 29 таси терига, 22 таси когозга, 23 таси ёгочга) ёзилган эди. Колганлари араб тилида ёзилган эди. Давлат хужжатларини Сугд подшосига тобе Панч (Панжикент) хокимлиги саройидан Муг калъа касрига бориб колишининг боиси шундаки, араблар боскини даврида Панжикент хокими Деваштич араб истилочиларига карши сугд-чоч-фаргана-турк харбий иттифокини тузиш максадида, у ўлка ва мамлакат бошликлари билан дипломатик ёзишмалар олиб боради. Самарканд ихшиди (подшоси) Тархуннинг катгиятсизлигидан норози бўлиб, бир вактни ўзида ўзини Самарканд тахти давогари деб эълон килади ва арабларга каршилик кўрсатишни бошлаб юбаради. Аммо, араблар кучли келиб, Деваштич кўшинлари бир неча зарбалардан сўнг тог томон чекинадилар ва тогдаги Муг калъага оила ва барча якинлари билан жойлашиб оладилар. Деваштич Муг калъага чекинганда сарой архивини хам бирга олиб кетган бўлган.

Араб кўшинлари мудофаачиларни у ёрда хам тинч кўймади. 722 йилда икки орада каттик жанглар бўлган, калъа эса вайрон килинган. Араб кўмонданлиги Деваштични Хурсонда ги халифалик ноibi хукмига юбаради. Деваштич Хурсон ноibi кўйган шартларни кабул килгач, уни Сугдга гўё кайтариб юбаради. Аммо, хуфия буйрук асосида Рабинжон (Каттакўргон шахри якинидаги илк ўрта асрлар шахар харобаси) зардуштийлар кабристонида оёк-кўлларини ёгочга михлаш йўли билан катл киладилар.

Муг каласида колиб кетган сугд архиви роса 1210 йил ўтгач, 1932-33 йилларда топилди. Мутахасис олимлар муг калъа хужжатларини ўрганиб бирнеча туркумларга ажратганлар. Ана шу тадқикотларга кўра, А-14 хужжат Сугд элчиси Фатуфарнинг Чочдан жўнатган мактуби бўлса, В-8 ер харид килиш хакидаги сугдча хужжат, В-4 тегирмон ижараси хакидаги хужжат, nov.3-сугдча никоҳ гувохномаси, nov.4-куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари, А-9 –кўшни хокимликлардаги ахвол тўгрисида

Муаллиф:
20.01.2014 10:29 -

Деваштичга унинг айгокчиси ёзган мактуб ва бошқалар.

Сугд тили ва ёзуви хакидаги яна бир хужжат Афрасиёбдан, Самарканд ихшиди Вархуман саройи деворидан топилган. Вархуман 651 йилда хокимият тепасига келиши шарафига шохона сарой курдирган. Сарой калин пахсадан курилган монументал (11x 11 м.) бино бўлиб, унинг деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган эди. Сарой деворининг бир томонида Чоганиён мамлакатидан Самаркандга ташриф буюрган элчилик карвони чизилган бўлса, саройнинг иккинчи деворида Узок Шарқдан (эҳтимол Хитойдандир) денгиз сувида елканли улкан кемада сузиб келаётган элчилар тасвирланган. Учинчи девор ўртасида эшик бўлиб, унинг ўнг томонида муқаддас Варукаша денгизида болаларини сузаётганлигини тиззасидан сувга кириб, тамоша килаётган гўзал аёллар, сузиб юрган балик ва тошбокалар тасвирланса, эшикнинг чоп томонида эркакларни от устида човгин ўйини ўйнаётганликлари тасвирланган.

Яна бир деворда З ярусда суратлар, суратларнинг юкори яруси тўлиқ сакланмаган. Унинг иккинчи ярусида подшо Вархуман тахти равонда ўз аёнлари, унга тобе ишхидликларнинг хокимлари билан (улар 11 хокимлик бошликлари бўлса керак, чунки тахти равон якинида 11 та байрок хилпиллаб турибди) элчи меҳмонларни кутмокда. Саройнинг биринчи каватидан иккинчи каватга, кўлларида киммат баҳо совгалари билан пиллапоядан юкорига кўтарилаётган элчилар тасвири туширилган. Биринчи ярусда (каватда) кабулга навбат кутаётганлар каторида, бир чеккада, узун халат кийган мусаввир сурати хам бор. Унинг халати этагига 11 каторли сугдча хат битилган. Хатда Самаркандга келган элчилар хакида маълумотлар бор. Элчиларни Чоганиён ва Чочдан келгани аник. Чунки хатда улар ёзилган. Хатнинг бузилган, укаланиб кетган жойларида яна нималардир ёзилган. Хатда Самарканд Смараканса талаффусида берилибди. Шундай талаффусдаги Самарканд номи Дунхуан мактубларида ва Муг кала хужжатларида хам бор. Демак, сугдийлар ўз тилларида Самаркандни “Смараканса” деб атаган эканлар.

XX асрнинг 70 йилларида милодий IV асрга тегишли ёғочга битилган сугдча хужжат Афрасиёбдан топилган. Сугдшунос М.Исхаковнинг хабар беришича, бу хат Самаркандлик бир савдогарни ўз хамкасбига карзга берган пулига тилхат экан. Хат мазмуни ва карз шартларининг тахлилига кўра, карз оловчи карз берувчига сутхўрлик шартлари кўймай, кайтариш муддати келганда, карзга олган пул киммати баробарида карзни кайтариш кайд килинган. Бунинг учун карз берувчи карз оловчи билан бозорга бориб, берилаётган пулга канча сўйишга тайёр наввос келишини аниклаганлар. Кайтариш вактида хам худди шундай килиниб, карз кайтарилиган. Ушбу тилхат ана шу хакда бўлган

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

Сугд ёзуви кўп соҳаларга кириб борган. Масалан, Пахлавон Рустам тўгрисидаги халк достонида “Калила ва Димна” тўгрисидаги иккита парча сугдча баён килинган, VIII-IX асрларга доир диний мазмундаги бир неча будда, христиан, манихей матнлари, будда илохияти, будда адабиёти асарларини ўз ичига олган бир гурӯх хужжатлар сугд тили ва сугд ёзувида битилган. Хуллос, юкорида кайд килинган ёзув намуналарида, гарчи уларнинг деярли барчаси айрим сугд ёзуви парчаларидан иборат бўлишига карамай, Ўрта Осиё халклари, жумладан ўзбек халки кадимги тарихи ва маданияти хакида кимматли ва ноёб маълумотлар беради. Шунингдек, уларни илмий тахлили асосида ўзбек этногенези ва этник тарихини ўрганиш учун хам тегишли маълумотлар олиш мумкин.

Кадимда сугдий, бохтариј ва хоразмий ёзувлари каторида оромий алифбоси асосида туркий ёзув хам кашф этилган. Хозирги вактда Осиё ва Европанинг турли минтакаларида бу ёзувга доир топилган ёзма ёдгорликларнинг сони 300 га якинлашиб колди Дастлаб улар Енисей ва ўрхун дарёлари хавзаларидан топилиб, белгиларнинг ўзига хос рунийсимон шаклига кўра, «ўрхун-енисей руний ёзуви» деб атала бошлади. 38 та харфдан иборат бу ёзув Жанубий Сибир, Марказий Осиёнинг туркий забон кабилалари ва элатлари ўртасида кенг таркалган. Руний ёзувларининг каттагина кисми кояларга, кабр тошларига, тошдан ясалган одам хайкалларига ўйиб ёзилган. Бир кисм хатлар эса металлдан ишланган идишларда - сопол, танга, когоз ва ёгочда учрайди.

Кадимги туркий ёзуви асосан будда тарихий биографик лавхалардан иборат бўлиб, турк, уйгур, киргиз аслзодалари, хокон уругидан чиккан машхур кишиларнинг хизматлари ва уларнинг каҳрамонлик хатти- харакатларини махташга багишлиланган. Кадимги туркий ёзувининг энг йирик ёдгорлиги “Ирк битиги” (Фолбинлик китобчаси) бўлиб, у каришиб 100 сахифадан иборат. Билга хокон, Култегин шарафига битилган ёдгорликлар, Ўнгин ёзуви, Тунюкук, Мўйин чура ва Кули чура шарафига битилган ёдгорликлар уларнинг энг машхурлари дирлар. Сибир ва Шимолий Мўгулистандан ташкари руний ёзуви ёдгорликлари Шаркий Европада, Шаркий Туркистон ва Олойда, Ўрта Осиё ва шимолий-шаркий Кора денгиз хавзалорида хам учрайди. Бу ёзувнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги I-минг йилликка тўгри келади, деган фаразлар бор

Мутахасислар тахлилига кўра, илк ўрта асрларда факат туркий нутқ Дон ва Кубан хавзалари ахолисини, Сирдарё ва Толос, Юкори ва Ўрта Енисейнинг бошланиш кисмларидаги ахолини бирлаштириб турган.

“Номаълум ёзув”. Бу ёзувга тегишли дастлабки маълумот 1954 йилда француз археологи А.Марик томонидан бир идиш парчасидаги ёзувдан бошланди. Бу биринчи

Муаллиф:

20.01.2014 10:29 -

“номаълум ёзув” намунаси эди. 1966 йилда Г.А.Пугаченкова Холчаёндан “номалум ёзув” лавхасини топади. Бу ёзув хам ўқилмай номаълумлигича колди. 1967 йилда Даشت Навур (Афғонистон) да кояга ёзилган шундай ёзув намунаси топилади. У эрамизнинг I асрига тегишли бўлиб, у уч тилда, яъни кхарошта, юнонча графика асосидаги бактрияча ва номаълум тилда ёзилган эди.

Машхур тилшунос олим Ж.Фюсман бу хат ўнг томондан чап томонга караб ёзилишини, Сурх-Котал ва Холчаён ёзувлари билан бир эканлигини исботлайди. 1972 йилда археолог К. Акишев машхур «Иссик» кўргонидан

кумуш косага ёзилган, милоддан аввалги IV-III асрга тегишли ёзувни топади, тилшунослар эса уни “номаълум ёзув” сирасига қўшадилар. Уни ўкишда мутахасислар орасида хар хиллик бўлсада, аммо “Иссик” кўргони милоддан аввалги III асрдан кам эмаслиги масаласида мутахасислар орасида иккиланиш йўк. Яна “иссик” ёзуви “номаълум ёзуви” таркалган тарихий-маданий минтакалар географиясига аниқлик киритди. Бу ёзув намуналари жанубий Ўзбекистоннинг Хотинрабод, Коратепа, Фаёзтепа, Тўккизтепа, Кампиртепа каби ёдгорликларидан, Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум ёдгорлигидан

хам топилган. “Иссик” ёзуви (“номаълум ёзув”) ёдгорликларини академик Э.В.Ртвеладзе Юечжи кабилалари билан бўглайди. В.А.Ливщиц эса уни сакларга тегишли дейди. Шу билан бирга, «иссик» ёзувини кушон империяси ёзув тизимининг расмий шаклларидан бири деган хulosага келади. Кейинги йилларда тадқикотчилар бу ёзувни энг кадимги туркий ёзув бўлиши керак, деган фаразларни ўртага ташламокдалар. Масалан А. С. Омонжулов “Иссик” ёзуви

туркий ёзув эканлигига шубха килмайди. Биз хам шу фикрдамиз. Э.В. Ртвеладзе “номаълум ёзув” тилини аниқлаш муайян этносни ёзув атрибутикасига узил-кесил тузатишлар киритади. Хар холда “номаълум ёзув”ни таркалиш географияси хам уни юечжи кабилаларига мансублигига шубха уйготмайди дейди. Дарҳакикат, бу ёзув Ўрта Осиёнинг жанубий-шаркий кисми ва Афғонистоннинг шимолий гарбida шаклланган кўринади. Ёзув ёдгорликларининг таркалиш минтакаси “Иссик” кўргони райони ва Еттисувдан жанубда то Хиндикушгача ва шаркда шимолий Афғонистондан гарбда то Шаркий Туркманистонгача ёйилган. Фаолият доираси милоддан аввалги III асрдан то милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олади.